

**Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта таълим  
вазирлиги**

**Тошкент давлат шарқшунослик институти**

**Хорижий шарқ мамлакатлари адабиёти кафедраси**

**Мақола**

**Мавзу: XX аср Араб ва ўзбек адабиётида “мўғул”лар  
мавзусининг бадиий талқини**

**Тузувчилар: Фил.ф.д. (DSc)Мухиддинова Д.З.**

**Тошкент - 2018**

## XX аср Араб ва ўзбек адабиётида “мўғул”лар мавзусининг бадиий талқини

### Аннотация

*В данной статье рассматриваются вопросы художественной интерпретации исторического события, такого как вторжение монголов в Центральную Азию. В данной статье дан сравнительный анализ рассказов арабского писателя Гамал аль-Гитани “Монгол” и рассказ узбекского писателя Миркарима Осима “Отрар”. В процессе анализа рассказов данных авторов показывается художественное отражение исторической темы, навыки мастерства создания образов и особенности стилистического своеобразия творчества писателей.*

### Annotation

*This article examines the issues of the artistic interpretation of a historical event, such as the Mongol invasion of Central Asia. In this article, a comparative analysis of the short story "Mongol" by Gamal El-Ghitani, the Arab writer, and the short story "Otrar" by Mirkarim Osim, the Uzbek writer, is given. In the process of the short stories analyzing of these authors, the artistic reflection of the historical theme, the skills of mastering the creation of images and the peculiarities of the stylistic originality of the writers' works are shown.*

### Аннотация

*Мазкур мақолада мўғулларнинг Марказий Осиёга босқини каби тарихий воқеаларнинг бадиий талқини масаласи ёритилган. Мақолада араб ёзувчиси Жамол ал-Фитонийнинг “Мўғул” ҳикояси ва ўзбек адиби Миркарим Осимнинг “Ўтрор” қиссаси қиёсий таҳлил қилинган. Таҳлил жараёнида ҳар икки адибнинг асарларида тарихий мавзуларнинг бадиий инъикоси, образ яратилиш маҳорати, мазкур ёзувчиларнинг услубий жиҳатлари кўрсатилган.*

Ўрта аср тарихий мавзуларнинг орасида, айниқса, мўғулларнинг босқини мавзуси бадиий адабиётда алоҳида аҳамият касб этади. Мўғуллар босқини мавзусига ҳам араб ёзувчилари, ҳам ўзбек адиблари мурожаат қиладилар. Шу жумладан, мисрлик адиб Жамол ал-Фитоний<sup>1</sup>нинг “المغول”<sup>2</sup> (“Мўғуллар”) ҳикояси Марказий Осиёга мўғулларнинг босқини воқеаларига бағишланган. Ёзувчи “Мўғуллар” ҳикоясида тарихнинг энг янгли ва дахшатли саҳифаларидан Чингизхоннинг Марказий Осиёга босқинчилиги юриши, Хоразмшоҳлар мамлакатининг мўғуллар мамлақати билан чегарадош, асосий дарвоза шаҳри Ўтрор<sup>3</sup>нинг мўғуллар томонидан қамал қилиниши ва ниҳоят шаҳар талон-тарожга қолиб, бутунлай вайронагарчиликка дучор бўлиши тасвирланган.

<sup>1</sup>Жамол ал-Фитоний (1945-2015)- Мисрлик машҳур ёзувчи. Адибнинг каламига “Минг йил аввал яшаган ўсмир кундалаги” (1969), “Аз-Зайн ал-Барака” (1972), “Ракета –Ер-Ер” (1972), “А-Зафарон кўчасидаги воқеа” (1976), “Ар-Рифаи” (1977), “Ал-Фитоний замини” (1981), “Муҳаббат ва шавқ номаси” (1986), “Пирамида матнлари (1995) ва бошқа ҳикоялар тўплами ва романлар муаллифидир.

<sup>2</sup>جمال الغيطاني. الأعمال القصصية. المجلد الثاني. القاهرة. الهيئة المصرية العامة للكتاب. 1991. ص. 91-125.

<sup>3</sup>Ўтрор, Турарбанд, Тарбанд, Ўтрортепа – қадимий шаҳар харобаси (мил. авв. I аср - мил. XVI аср) жанубий Қозоғистондаги Арис дарёсининг Сирдарёга қуйилиш жойида жойлашган. Ўтрор 3 қисм (арк, шаҳристон, рабод) дан иборат бўлиб, буржлар билан мустаҳкамланган муҳофаа девори ва хандақлар билан ўралган. Мўғуллар истилосига қадар (IX-XII аср) Хоразмшоҳлар мамлакатининг савдо ва хунармандчилик

Ж.ал-Ғитонийнинг “Мўғуллар” ҳикоясининг услуби мураккаб бўлиб, тасвирнинг сатҳи равон, изчил бўлмай, турли баланд-паст даражада. Ёзувчи онг оқими, фрагментарлик каби замонавий бадиий тасвир воситалари, ҳамда тарихий солнома, “ҳикоя ичида ҳикоя”, Қуръони Карим оятларига ишоралар каби ўрта аср араб адабиёти услублари орқали янги, замонавий услубдаги асар яратган. Ж. ал-Ғитоний ватанимиз бўлмиш Марказий Осиё тарихига, мўғуллар босқини воқеаларига бағишланган ҳикояси орқали етук тарихий билимлар эгаси, ўзи тасвирлаётган халқнинг урф-одатлари-ю, анъаналари, дунёқарашларини яхши билган маҳоратли ёзувчи эканлиги намоён бўлган. Ёзувчи ҳикоясида ўша даврларда Марказий Осиё халқларининг диний ва дунёвий билимлари, яшаш тарзи, мўғуллар томонидан Ўтрорнинг қамали даврида халқнинг кўрсатган жасорати акс эттирган.

Миср адаби Ж. ал-Ғитонийнинг “Мўғуллар” ҳикоясининг таянч устуни ҳикоя бош қаҳрамони Исмоил исмли ёш йигит бўлиб, ёзувчи мана шу образнинг бошидан ўтказган воқеалари асносида тарихий воқеаларни, Ўтрор қамалини тасвирлаган. Ж.ал-Ғитоний тарихий воқеаларни мазкур ҳикояда ҳам ўрта аср араб анъанавий насрий услублари, ҳамда онг оқими, фрагментарлик каби модернистик бадиий тасвир услубларини ўзаро вобаста ҳолда акс эттирган.

Ҳикоя сюжети икки йўналишда бири учинчи шахс, яъни муаллиф баёни, унда шаҳарни босқиндан олдинги аҳволи, сўнг Исмоилни мўғуллар томонидан асирга олиниб, зиндонбанд қилинишидаги воқеалар, иккинчиси Исмоилнинг хотиралари асносида ривожланади. Ж. ал-Ғитоний ҳикояда мана шу тарихий воқеалар орқали ватанпарварлик, диний ва ижтимоий адолат мавзуларни қамраб олади. Ёзувчи бош қаҳрамон талаба Исмоилнинг бошидан ўтказган воқеалар тизимида тарихий воқеалар билан бир қаторда қаҳрамоннинг руҳий кечинмалари, орзу-истаклари-ю, армонларини жойлайди. Ҳикоя 34 та қисмлардан иборат бўлиб, воқеалар ҳар бир қисмда ўзаро бир-бирига изчил боғланмаган тарзда берилиб ривожланади. Фрагментарлик ҳикояда ёзувчининг ижодий ниятини, яъни сюжет йўналишининг икки йўналишда ривожланишига имкон яратади. Ҳикоянинг биринчи қисми шоҳ фармони билан бошланади:

”يا أهالي مدينة أوترار..  
نزل جند المغول من الجبال..  
و أحاطوا بمدينتكم  
انتبهوا  
لا يخرج أحدكم ولا يدخل  
ساعدوا جنود الشاه و حامية المدينة  
بإذن الله سيردون الخطر..  
انتبهوا  
و ما النصر إلا من عند الله”<sup>4</sup>

“Эй, Ўтрор шаҳри аҳолиси..  
Тоғлардан мўғуллар тушиб келди..  
Шаҳрингизни қушовга олди

шаҳарларидан бири бўлган. Ўтрор қамалидан сўнг мўғуллар томонидан вайрон қилинган. Оқ Ўрда хонлари Ўтрорни XIV асрда тиклаганлар. Амир Темур ва темурийлар даврида муҳим ҳарбий шаҳар, қалъа бўлган.  
جمال الغيطاني. الأعمال القصصية. المجلد الثاني. القاهرة. الهيئة المصرية العامة للكتاب. 1991. ص. 91.

*Огоҳ бўлинглар!*

*Ҳеч ким чиқмасин, ҳеч ким кирмасин*

*Ёрдам беринглар шоҳ аскарларига ва шаҳар ҳимоячиларига*

*Аллоҳ изни билан хатарни қайтаришади..*

*Огоҳ бўлинглар!*

*Ғалаба фақат Аллоҳдан”*

Ҳикоя бошланишида келган мазкур шоҳнинг фармони бўлиб, ҳикоядаги воқеа-ҳодисаларнинг сўнгги ривожигача ўзига хос кириш вазифасини бажаради. Ж.ал-Ғитоний ҳикояда сажъ услубидаги шоҳ, шаҳар ҳоқими, сўнг Чингизхоннинг фармонларини бериш орқали бир томондан, ўрта аср хужжатли насрига хос хусусиятларни, иккинчи томондан ўша давр руҳиятини акс эттиради. Ҳикоянинг иккинчи қисмида муаллиф кўлга тушган кўзи боғланган йигитнинг судраб, қийнаб тор йўлаклардан олиб ўтишлари ва зиндонга ташлашлари тасвирланган.

Ж. ал-Ғитоний ватанимиз бўлмиш Марказий Осиё тарихига, мўғуллар босқини воқеаларига бағишланган ҳикояси орқали етук тарихий билимлар эгаси, ўзи тасвирлаётган халқнинг урф-одатлари-ю, анъаналари, дунёқарашларини яхши билган маҳоратли ёзувчи эканлиги намоён бўлган. Ёзувчи ҳикоясида ўша даврларда Марказий Осиё халқларининг диний ва дунёвий билимлари, яшаш тарзи, мўғуллар томонидан Ўтрорнинг қамали даврида халқнинг кўрсатган жасорати акс эттирган.

Мўғулларнинг Марказий Осиёга, шу жумладан, Ўтрорга ҳужуми, Ўтрор қамали каби тарихий воқеалар ҳақида таниқли ўзбек ёзувчиси, тарихий асарлар муаллифи Миркарим Осим (1907-1984) ўзининг “Ўтрор”<sup>5</sup> номли тарихий қиссасида баён этган. Ўзбек адиби М.Осимнинг “Ўтрор” қиссасида Ж.ал-Ғитонийнинг “Мўғуллар” ҳикоясидан ҳам услубий жиҳатдан, ҳам мазмуний жиҳатдан ўзига хос ўхшаш ва фарқли хусусиятлари мавжуд.

Ўзбек ва араб адибларининг бир мавзудаги асарларининг ўхшаш жиҳатлари қуйидагиларда кўринади:

- Ж.ал-Ғитонийнинг ҳикояси катта ҳажмли бўлиб, узун ҳикоядир. М.Осимнинг “Ўтрор” асари ҳам катта ҳажмли бўлиб, тарихий повесть ҳисобланади.

- Икки адиб ҳам асарларида тарихий муҳитни, тарихий манзарани акс эттириб беришда ўша даврда яшаган аҳолининг яшаш тарзини, дунёқарашларини, туриш-турмушини моҳирона тарзда кўрсатган. М.Осим ҳам Ж.ал-Ғитонийдек, асарда мусулмон халқларнинг дунёқарашини, азон, номоз ўқиш лавҳаларини ёрқин акс эттирган:

*“Ҳар тарафдан азон товуши эшиталарди. Саҳар пайтида бир хўроз қичқариши билан, теваракааги хўрозлар баланд-паст, йўгон-ингичка товушлар билан унга жавоб бера бошлаганларидек, Ўтрор шаҳридаги*

---

<sup>5</sup>Осим М. Ўтрор. Тарихий повесть. Т.: Ўздавнашр. 1947. 49.б.

*Масжиди жоми муаззинининг кетидан барча муаззинлар чувуллашиб, одамларни номози хуфтонга даъват қила бошладилар*".<sup>6</sup>

Шунингдек, мўғуллар босқини хавфи бўла туриб Ўтрорнинг баъзи амалдор қатламларининг беғам, бепарво ҳолатлари М.Осимнинг "Ўтрор" қиссасида қуйидагича акс эттирилса:

*"Сирдарё бўйидаги хушманзара ерга ўнлаб ўтовлар қурилган. Баъзи ўтовлардан ўлан овози эшитилади, баъзиларидан қаттиқ сўзлашаётган кишиларнинг товушлари, баъзан қаҳқаҳасадоларичиқиб туради"*<sup>7</sup>.

Мисрлик адиб Ж.ал-Ғитонийнинг "Мўғуллар" ҳикоясида ҳам қуйидагича акс эттирилган:

*"Шаҳар марказида жойлашган кўм-кўк ўтлоқлар уларнинг қаҳқаҳаси қаттиқлигидан титраб турардилар. Улар ҳазиллашишарди. Уларга яқин ўтирган кексалар уларнинг устидан кулишмоқда деб ўйлашарди"*<sup>8</sup>.

М.Осимнинг "Ўтрор" қиссасида Ўтрорнинг хиёнаткор баъзи амалдор қатламларнинг мўғуллар босқини хавфига бепарволигини акс эттирган бўлса, Ўтрорнинг оддий аҳолисининг мўғуллар босқинига кўрган тайёргарлиги, Ўтрор қалъасининг тасвирини ёрқин акс эттирган:

*"Шаҳар ва теваарак атрофдаги овулларнинг аҳолиси Ўтрор кўрғонини таъмир қилиш ва кўрғон атрофидаги хандақни тозалаш, чуқурлаб ва кавлаш учун сафарбар қилинди. Шундайин ҳам эзилган бечора халқ, яна мўғулларга ем бўлишни истамасди. Ватанни ҳимоя қилиш ишини халқ ўз устига олди. Чунки яқиндагина қорахитойлар зулмидан қутилган халқ чет эл босқинчиларининг қипчоқ хонларидан ёвуз эканини биларди"*<sup>9</sup>.

Портрет яратишда ҳам ҳар икки адиб ҳам маҳорат билан тарихий ва тўқима образларнинг портретини яратганлар, Ж. ал-Ғитоний асарида мўғулларнинг портретини ёрқин акс эттирган бўлса:

*"Унинг юзига жуда яқин ялпоқ, сарғиш, мўйлови кўтарилиб осилган, қисик кўзли, кўкраги қорамтир рангли тери билан қопланган қиёфа, башара яқинлашди. Унинг юзи атрофида галати нарсалар осилган, хуллас ҳамма нарсада бу одам бошқа элатдан, унинг элатидан эмаслигидан далолат бор эди. Балки тиззасигача тушган кўпол кийими, оёқларининг калталиги, юзининг япасқилиги, тишлари, кўзлари, уларнинг ўткир қарашлари, баҳайбат қўллари, оқ темир тақилган ва маржон билан безатилган теридан тикилган кийими..."*

М. Осим асарида Ғойирхон Инолчик, Қорача Ҳожиб, Маҳмуд Тилмоч, Бадриддин бин Тожиддин, Чингизон, Жўжа, Чигатой, Ўгадой, Тули каби тарихий шахсларнинг портретини маҳоратли равишда яратган. Маслан, Ўтрор ҳокими Ғойирхон портрети:

*"Ғойирхоннинг юзи ориқ, кўзлари киртайган бўлса-да, лекин кенг яғрини, қисқа бўйни унинг кучли одам эканини кўрсатиб турарди. Тахминан қирқ беш*

<sup>6</sup>Осим М. Ўтрор. Тарихий повесть. Т.: Ўздавнашр. 1947. Б. 3.

<sup>7</sup>Осим М. Ўтрор. Тарихий повесть. Т.: Ўздавнашр. 1947. Б. 7.

<sup>8</sup>جمال الغيطاني. الأعمال القصصية. المجلد الثاني. القاهرة: الهيئة المصرية العامة للكتاب. 1991. ص. 93.

<sup>9</sup>Ўша китоб Б.21.

*ёшларда бўлга бу кишиниғ пешонасини ажин босган, кўзларининг қараши жиддий, юзида доимий фикр ва фикр мулоҳазалар изи кўриниб туради. У Қорача Ҳожиб сингари оғир васито эмас, ирода ва гайрат барқ уриб турган чеграсида гурур ва кибрдан асар йўқ. Юриши туришидан эпчил, ишчан киши экани кўриниб туради”<sup>10</sup>.*

Мазкур адибларнинг бир мавзудаги асарларидаги фарқ ёзувчиларнинг бадиий услубида акс этади:

Биринчидан, Ж. ал-Ғитоний ҳикоясида бадиий тўқима устунлик қилади, ҳикояда бош қахрамон ёш йигит Исмоил образи, унинг ҳаёти, уни мўғуллар томонидан асирга олиниб зиндонбанд қилиниши, қаттиқ қийновларга солиниши каби воқеалар тизимионг оқими, ҳиссиёт, сезги орқали тарихий воқеалар ёритилиб берилса, М.Осимнинг “Ўтрор” ҳикоясида эса тарихий воқеалар бевосита персонажлар орқали очиб борилади.

Иккинчидан, ўзбек адиби М.Осимнинг “Ўтрор” қиссасида Ж.ал-Ғитонийнинг “Мўғуллар” ҳикоясидан фарқли ўлароқ, қисса тарихий образлар иштирокида тасвирланади. Қиссада Ўтрор ҳокими Ғойирхон Инолчиқ, Қорача Ҳожиб, Ғойирхон Инолчиқнинг ноиб, девонбоши Хўжа Бадриддин бин Тождиддин, ўша даврда Ўтрор шахрининг машхур савдогарларидан Маҳмуд Тилмоч, Чингизхон ва унинг Жўжи, Чигатой, Ўгадой ва Тули каби тарихий образларнинг сиймоси яратилган.

Учинчидан, Ўзбек адиби М.Осимнинг “Ўтрор” қиссасида Ўтрорнинг беш ой қамал пайтидаги мўғуллар билан бўлган жанглари, қамал пайтида аскарларга эга бўлган Ўтрорлик амалдор ва савдогарларнинг (Қорача Ҳожиб, Хўжа Бадриддин бин Тождиддин, Маҳмуд Тилмоч) ўз ватанига қилган хиёнати, мўғулларга Ўтрор дарвозаларини очиб бериши, Ўтрор ҳокими Ғойирхон Инолчиқнинг охириги томчи қони қолгунича Ўтрор ҳимоясида мўғуллар билан жанг қилиши, Чингизхоннинг Марказий Осиёни босиб олиш учун тузган пухта режалари кўрсатилган.

Тўртинчидан, Ж.ал-Ғитоний ҳикоясидаги каби ватанпарвар ёш қахрамон Исмоил каби М.Осим қиссасида ҳам Тоштемир образининг акс этиши диққатга сазовор. Тоштемир Ўтрор ҳокими Ғойирхоннинг энг ишонган саркардаларидан, мард, жасур, пахлавон йигитдир. Тоштемир ҳам Ғойирхоннинг ёнида охириги қони қолгунича мўғуллар билан жанг қилиб мардоновор ҳалок бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, услубий жиҳатдан, М.Осимнинг тарихий қиссаси изчил, тарихий реалистик услубда ёзилган бўлса, мисрлик адиб Ж. ал-Ғитонийнинг узун ҳикояси мураккаб усулда, ҳам миллий мерос, ҳамда замонавий модернистик услубларни уйғунлаштирган ҳолда яратилган. Ҳар икки адиб ҳам тарихий воқеаларга бағишланган асарларида келажак авлодда ватанпарварлик туйғуларини юксалтириш, ўз ватанини ёвуз кучлардан ҳимоя қилиш, ҳар доим огоҳ ва хушёр бўлиши лозимлиги каби юксак туйғуларни илгари сурадилар.

<sup>10</sup>Осим М. Ўтрор. Тарихий повесть. Т.: Ўздавнашр. 1947. Б.8.

## Адабиётлар рўйхати

1. جمال الغطاني. الأمل القصصية. – القاهرة: الهيئة المصرية العامة للكتاب. 1990. – ص.520.
2. جمال الغطاني. الأمل القصصية. المجلد الثاني. – القاهرة: الهيئة المصرية العامة للكتاب. 1991. – ص.632.

3. Осим М. Ўтроп. Тарихий повесть. –Т.: Ўздавнашр, 1947. – 49 б.
4. Озодватансаодати. Беш жилдли. 5-жилд. Адабий танқид.– Т.:Адиб. 2013, - 424 б.